

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БОШҚАРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ХУСУСИЯТИ

Х.Ражабова

ТАТУ ФФ,

АТТ кафедраси катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10077179>

Хозирги даврда таълим ва тарбияда новаторлик ёндашуви жадал ривожланаётганлиги таълим муассасаси фаолиятининг ўзига хос хусусиятлариданdir. Бозор иқтисодиёти шароитида “таълим” тушунчаси мазмунини тубдан қайта идрок этиш зарур. Шу муносабат билан билимлари ва хаётга “таълим” тушунчасини шахс ташаббусининг ахамиятини таъкидлайдиган тарзда ёндашув сифатида тушуниш лозим. Шу боис “таълим” тушунчаси бу тез ўзгарувчан дунёда яшаш учун зарур бўлган янги методологик усуллар, кўникмалар, кўрсатмалар ва миллий қадриятларни ўз ичига олиши керак. Бошқача айтганда, таълим шахсий ва ижтимоий хусусиятга эга янги вазиятларни мувоффақиятли уddyalай олиши учун харакатланувчи жамият томонидан прогноз қилинган зарур ижтимоий-ахлоқий жараёнdir. Анъанавий тарзда вужудга келган таълим тизими стратегик жиҳатдан йўл қўйиб бўлмайдиган “қўллаб-куватловчи” таълим функциясини бажарган ҳолда “таълим” сўзининг янгича талқинига оид мақсадли кўрсатмаларни амалга оширишга йўналтирилмаган. Кўмаклашувчи таълим фақат ижтимоий муносабатлар ва шахсий йўналишларнинг мавжуд тизимини сақлашга, яъни консерватив-барқарор жамиятнинг нормал фаолият юритишига йўналтириган. Шу боис бунда шахс аллақачон маълум, такрорланувчи вазиятлардан чиқа олиш учун мўлжалланган, қайд қилинган усуллар ва қоидалар устунлик қиласди.

Узлуксиз таълим тизими қарор топиши ва ривожланишининг янги стратегияси, “таълим” сўзининг қайта идрок этилиши “қўллаб-куватловчи” таълимни “инновацион” таълим билан алмаштиришни талаб қиласди.

Инновацион таълим айни пайтда қўйидаги иккита вазифани ҳал этишга қаратилган:

1. Воқеаларни “олдиндан кўра билиш”, ўзини реал воқеалиқда ва кейинги ижтимоий, касбий ролини англаб этиш қобилиятини таркиб топтириш; шахсни онгли, олдиндан англаб етилган муқобилларни -умумий хулқ атворни, ишонч-эътиқодни, ахлоқий қадриятни, умуман дунёқарашни танлашган йўналтириш.

2. Махаллий ташкилий-бошқарув даражасидан тортиб глобал даражасигача шахсга ижтимоий ахамиятга ҳамда касбий қимматга эга бўлган муҳим қарорларни қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этиш имконини берувчи “қатнашиш” тамойилини руёбгаш чиқариш. Бугунги кунда рақобатбардош кадрларни тайёрлаш мамлакатимиз таълим тизимини олдида турган муҳим вазифадир. Рақобатбардош малакали кадрларнинг энг муҳим сифатлари ичida қўйидагиларни алоҳида кўрсатиш мумкин:
 - ўқувдаги ўзлаштиришнинг юқори даражаси ва ўзини-ўзи ривожлантиришга қодирлиги;
 - меҳнат ва таълим хизмати бозорларида тегишли таълим муассасасида олинган малакани тасдиқлаш;
 - ишлаб чиқаришда юқори даражадаги ижтимоий фаоллик ва меҳнат унумдорлиги;
 - ишлаб чиқаришда интизомлилик, маъсулият, ихтирочилик, ижодкорлик;

- ўқув фанлари бўйича олимпиадалар ҳамда танланган касб маҳорати танловларида қатнашиш ва ғолиб чиқиш;
- таълимни давом эттиришга эхтиёж.

Инновацион таълим стратегияси таълим сифатини бошқаришда алоҳида бошқарувчилик ёндашувини тақозо этади.

Илмий-педагогик адабиётларда ва таълим-тарбия амалиётида “инновация” сўзи қандай тушунилади. Мамлакатимизда ва хорижда ўтказилган бир қатор тадқиқотлар ушбу ҳодисани ўрганишга бағишиланган.

“Янгилик яратиш, уларнинг педагоглар томонидан ўзлаштирилиши ва таълим амалиётида фойдаланилиши жараёнлари”ни инновацион жараёнлар деб ҳисоблашни таклиф этмоқда Н. Юсуфбеков. У инновацияни, жамият маданий ўзгаришларининг негизи сифатида кўриб чиқмоқдалар-ки, бу бизнингча, жуда қимматлидир. В.Н.Виноградов эса “педагогик тизимнинг тартибга солинмайдиган эркин майдонида ривожланиш истиқболига оид эхтиёжга таъсирчанлиги асосида вужудга келган янгиликлар унинг микроэволюциялар фондини ташкил этади”, деб таъкидламоқда. Айрим олимлар янги мақсадларни, методларни, методикани, дастурларни, воситаларни, мазмунни, фаолиятни ташкил этиш шаклларини, бошқарув турларини ва бошқаларни янгилик сифатида талқил қилмоқдалар. “Янгиланиш-янги ходиса, янги одат, янги метод, ихтиро” деган таъриф ҳам мавжуд. (Ю.Красовский).

Инновация таълим муассасасини долзарб вазифаларини самарали ҳал қилишга кўмаклашиши керак. Афсуски, аксарият таълим ходимлари амалда бунга етарли эътибор бермайдилар, натижада янгиликларнинг ўзлаштирилиши расмиятчиликка айланади. Педагог кадрларни жиддий қайта тайёрламасдан, таълим муассасасини тегишли моддий-техника базаси, молиявий, ўқув-дастурний таъминламасдан туриб инновациян фаолиятни самарали ташкил этиб бўлмайди.

Янгиликларни ўзлаштириш жараёни раҳбарият томонидан мажбуrlаш чораси билан эмас, балки ходимларга харакат қилишда мустақил ва эркин иш олиб бориш имкониятини бериш билан кечади. Шундагина таълим жараёнида кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

References:

1. Mashrabjonovich, O. J. "EFFECTIVE USE OF INTERACTIVE METHODS IN THE EDUCATIONAL PROCESS IN PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS." INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM 2.19 (2022): 123-127.
2. Rajabova X. DEVELOPMENT OF INFORMATIONAL COMPETENCE OF FUTURE TEACHERS //International Bulletin of Engineering and Technology. – 2023. – Т. 3. – №. 9. – С. 56-60.
3. Rajabova X. X., Dekhkanova M. B. TA'LIM MUASSASALARIDA TA'LIM SIFATI TA'LIM-TARBIYA JARAYONINING PIROVARD NATIJASI SIFATIDA //Academic research in educational sciences. – 2023. – Т. 4. – №. TMA Conference. – С. 251-255.
4. Jamshid, O. "On The Contributions of Jadids to Uzbek Pedagogy." International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology 2.5 (2022): 7-10.
5. Rajabova X. SHAXSNI YUKSAK MA'NAVIYATLI ETIB SHAKLLANTIRISH MUAMMOLARI //Conference on Digital Innovation: "Modern Problems and Solutions". – 2023.

6. Mo'minov K., Otaxonova Z. XALQ PEDAGOGIKASI AN'ANALARIDAN FOYDALANISHDA TARBIYAVIY ISHLARNI TASHKIL ETISH MODELI // Центральноазиатский журнал образования и инноваций. – 2023. – Т. 2. – №. 9 Part 2. – С. 57-61.
7. Qodirov, X., & Abdullajonova, N. (2023). HAMKORLIK PEDAGOGIKASINING INSONPARVARLIK HUSUSIYATLARINI SHAKLLANTIRISHDAGI AHAMIYATI. *Scientific journal of the Fergana State University*, (1), 560-563.
8. Sobirjonovich S. I. Development of Information and communication competence of the teacher in the system of professional development // Итимоиј Fanlarda Innovasiya Onlayn Ilmiy Jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 10. – С. 30-38.
9. Ergasheva D. SHAXSIY PEDAGOGIK TAJRIBANING TAVSIFI HAMDA O'QITUVCHI USLUBLARI // Interpretation and researches. – 2023. – Т. 1. – №. 7.
10. Rajabova X. FUQAROLIK JAMIYATI BOSHQARUVI TO 'G 'RISIDAGI ILMIY-NAZARIY QARASHLAR // Conference on Digital Innovation: "Modern Problems and Solutions". – 2023.
11. Rajabova X. O 'QUVCHILARNI TA'LIM JARAYONIGA QIZIQTIRISHNI RIVOJLANTIRISH OMILLARI // Conference on Digital Innovation: "Modern Problems and Solutions". – 2023.
12. Ражабова Х. Х. ТАЛАБА ЁШЛАР ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШИНинг ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ // Евразийский журнал технологий и инноваций. – 2023. – Т. 1. – №. 10. – С. 78-84.
13. Ражабов М. Ж., Ражабова Х. Х. МАНИПУЛЯЦИЯ ТУРЛАРИ ВА ОДАМЛАРДА РЕПРЕЗЕНТАТИВ ТИЗИМНИНГ ИФОДАЛАНИШИ: Ражабов Муродил Жумабоевич, Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси // Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2022. – №. 6. – С. 262-266.
14. Sultonov S. MASHINALI O'QITISH TUSHUNCHASI VA MASHINALI O'QITISH JARAYONINING UMUMIY QADAMLARI // Muhandislik muammolari va innovatsiyalari. – 2023 yil.

